



Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини
(МҲХС) Ўзбекистонда қўллаш

МХХСни жорий этишда янгича ёндшув

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 24 февралда МХХСни жорий этиш жараёнини тубдан қайта кўриб чиқишни назарда тутувчи «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қарорини имзолади. Ушбу жараённи мувофиқлаштириш ва тизимлаштириш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги МХХСни жорий этиш бўйича ваколатли орган этиб белгиланда ва юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун вазирлик тузилмасида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этишни мувофиқлаштириш ва эълон қилинадиган молиявий ҳисоботлар сифатининг ташқи назорати бўлими ташкил этилди.

Илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ва мазкур соҳада кадрлар тайёрлашнинг замонавий усулларини босқичма-босқич жорий этиш бўйича «йўл харитаси» тасдиқланди.

Тадбиркорлик субъектларини МҲХСни жорий этишга тайёрлаш

Молиявий ҳисоботни ихтиёрий равишда МҲХСга мувофиқ тайёрлайдиган тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тақдим этишдан овоз.

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган айрим турдаги юридик шахслар (акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар) 2021 йил 1 январдан МҲХС мажбурий тартибда жорий этадилар. Ушбу шахслар 2021 йил якунига қадар камида уч нафар мутахассис миқдорида МҲХСни сифатли қўллаш учун етарли бўлган бухгалтерия хизмати ходимлари билан таъминлаши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги 2020 йилдан бошлаб, давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат корхоналарининг МҲХС асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашга ўтиш жадвали ҳар йили 1 июнга қадар эълон қилади.

Шундай қилиб, 2020 йил МҲХС қўллашга тайёргарлик кўриш учун тадбиркорлик субъектларига (мутахассисларни МҲХС бўйича ўқитиш, ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш, ИТ-тизими асосида МҲХС бўйича ҳисобот тайёрлашнинг мувофиқлигини таҳлил қилиш, шунингдек МҲХС талабларига мослиги бўйича бизнесни тайёрлигини боҳолаш) ўтиш босқичи ҳисобланади.

Мутахассисларни МҲХС бўйича ўқитиш

2021 йилдан бошлаб МҲХС ва аудитнинг халқаро стандартлари бўйича ўқитиш фақат бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлардан аккредитациядан ўтган ўқув марказлари томонидан амалга оширилади.

(Республикада ҳозирги кунда халқаро ташкилотлардан АССА - Association of Chartered Certified Accountants) аккредитациядан ўтган 4 ўқув маркази мавжуд.

МҲХС бўйича мутахассисларни етарлигини таъминлашда ўқув марказлари томонидан интерфаол усулларни қўллаган ҳолда ўқиш ташкил этилади, шу жамладан МҲХС бўйича доимий равишда бепул вебинарлар ўтказилади.

МҲХС ўрганиш бўйича мақсадли аудиторияни кенг жалб қилиш ва уларни қизиқишларини орттириш мақсадида ҳозирги кунда Молия вазирлиги ўқув марказлари билан биргаликда МҲХС бўйича махсус таълим платформасини яратиш ҳамда ундан очиқ фойдаланиш имкониятлари устида ишлар олиб борилмоқда.

МХХС бўйича кадрларни таёрлаш тизимини такомиллаштириш

Олий таълим вазирлигига бухгалтерия ҳисоби ва аудит таълим йўналишлари бўйича таълим сифатини ошириш бўйича қуйидаги топшириқлар белгиланган:

«Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича МХХСни чуқур ўрганишни назарда тутувчи янгиланган ўқув дастурларини жорий этиш;

2020 йилдан бошлаб олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро аккредитациядан ўтказиш (дастлабки босқичда - Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Фарғона политехника институтининг);

«Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича педагог ходимларини аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МХХС бўйича ўқитиш

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, тажриба-синов олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича фанлар фақат халқаро сертификатлаш доирасида «МХХС бўйича молиявий ҳисобот» ёки «АХС бўйича аудит» фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёхуд халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган ўқитувчилар томонидан ўқитилади.

Бухгалтерларни сертификатлашнинг халқаро тизими

Молия вазирлиги жамоат ташкилотлари вакиллари билан биргаликда МХХС соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича жаҳоннинг муваффақиятли тажрибаларини оммалаштириш, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича нодавлат таълим ташкилотларини ҳамда соҳага оид олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини босқичма-босқич халқаро аккредитациядан ўтказиш юзасидан бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлар (Сертификатланган дипломли бухгалтерлар халқаро ассоциацияси (Association of Chartered Certified Accountants — АССА) ва бошқалар) билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Олиб борилган ишлар натижаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Аудиторлар палатаси ва Сертификатланган дипломли бухгалтерлар халқаро ассоциацияси (Association of Chartered Certified Accountants — АССА) билан бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида кадрларни тайёрлаш бўйича қўшма ҳаракатлар режасини амалга оширишни назарда тутувчи ўзаро англашув меморандум имзоланган.

МХХСни жорий этиш жараёнини тизимлаштириш

Хозирги кунда Молия вазирлиги томонидан куйидаги вазифлар устида иш олиб борилмоқда:

МХХС ҳужжатларини давлат тилида талаб қилиш ҳуқуқларидан воз кечиш бўйича МХХС фонди билан келишув тузиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва АССА (Association of Chartered Certified Accountants) ўртасида меморандум имзолаш;

“Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва уларга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисидаги низом”ни тасдиқлаш хақидаги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси манфаатдор вазирликлар билан келишиш;

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва уларга тушунтиришлар матнини давлат тилиги таржимаси бўйича эксперт гуруҳини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда солиқ ҳисоботи шаклини қайта кўриб чиқиш ва уни МХХС бўйича тайёрланган молиявий ҳисоботга мослаштириш;

бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини МХХСга мувофиқ уйғунлаштириш;

Давлат томонидан МҲХСни жорий этиш чора-тадбирларини қўллаб-қувватлаш

2020 — 2025 йиллар давомида аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МҲХС бўйича ўқитиш, малака ошириш, интерфаол усулларни қўллаган ҳолда ўқитиш, шунингдек, бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида Ўзбекистон Республикасида дастлабки рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтказиш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

МҲХС ва унга тушунтиришлар матнини давлат тилига таржима қилиш, бошқа тилларда МҲХСни қўллаш билан боғлиқ ҳамда МҲХС фонди йиллик бадаллар тўлаш харажатларини Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети қўшимча даромадлари ҳисобидан қопланади

халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган талабгорлар олий таълим муассасалари магистратурасининг «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» мутахассисликларига кириш имтиҳонларини топширмасдан тўлов-контракт асосида кириш ҳуқуқига эга.



Юзага келган карантин туфайли ПҚ-4611-сон қарорда келтирилган муддатлар узайтириладими?

Ўзбекистон ҳукумати каронавирус инфекциясини тарқалаш хавфи юзасидан иқтисодиётнинг асосий бўғини - бизнесни қўллаб қувватлаш бўйича кенг қамровли ишлар олиб бормоқда.

Ҳисоб, ҳисобот ва ушбу ҳисобот аудитига иқтисодий жihatдан COVID-19 вирусининг тарқалиши таъсири бўлиши мумкин, аммо мазкур ҳолатга бизнес ва аудиторларнинг тайёргарлигик даражасига боғлиқ.

Карантин даврида бухгалтерия хизмати иш режимини ўзгаришига қарамасдан, бухгалтерия ҳисобини юритиш узлуксиз жараён бўлиб қолаверади. Ахборот технологияларини ва автоматлаштирилган бухгалтерия дастурларини қўллаш ҳисоб юритиш ва ҳисобот тайёрлашни масафавий таъминлаш имконини беради.

МҲХСни жорий этиш бўйича асосий чора-тадбирларни амалга ошириш учун белгиланган муддатларни инобатга оладиган бўлсак, уларни қайта кўриб чиқиш зарурлиги тўғрисида гапиришга эрта деб ўйлаймиз.



БХМСни қандай ўзгаришлар кутмоқда? Уларга бўлган эҳтиёж сақланиб қоладими? Ёки МҲХС асл ҳолатида қабул қилинадими?

Умуман олганда миллий ва халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг концептуал асослари бир-бирига зид эмас.

Албатта иккала тизим ўртасидаги сезиларли фарқлар уларни баён этиш услуби, матн ҳажми ва унга тушинтиришлар билан боғлиқ.

Шу сабабли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини МҲХСга мувофиқлаштириш бўйича ишлар давом эттирилади.



**МҲХС қўллаш Солиқ қонунчилигимизга зид бўлмайдами?
МҲХСни солиқ қонунчилигига мослаштириш қандай амалга
оширилади? ДСҚ 2021 йил 1 январдан МҲХСга мувофиқ
солиқ ҳисоботларини янги шаклларини ишлаб чиқадими?**

МҲХС қўллаш доираси фақатгина молиявий ҳисоботни тайёрлашга қаратилган.

Молиявий ҳисоботни МҲХСга ўтказиш актив ва мажбуриятларни таркиби ва уларни баҳолашни ўзгариши билан боғлиқдир.

Солиқ ва тўловларни ҳисоблаш БҲМС ҳамда МҲХС бўйича бухгалтерия ҳисобини юритишнинг мақсад ва вазифалари таркибига кирмайди..



Тўғри тушунган бўлсак МҲХС матни фақат ўзбек тилига таржима қилинадими? Агар матн рус тилига ҳам таржима қилинса, ушбу матн қонуний кучга эга бўладими?

Хозирги кунда МҲХС ҳужжатларини давлат тилида талаб қилиш ҳуқуқларидан воз кечиш бўйича МҲХС фонди билан келишув лойиҳаси бўйича ишлар олиб борилмоқда.

МҲХС матнини давлат тилида қўллаш бўйича асосий қоидалар «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва уларга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисидаги низом»ни тасдиқлаш ҳақидаги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасида ўз аксини топган.

МҲХС барча тиллардаги матнига авторлик ҳуқуқи МҲХС Фондига тегишлилигини инобатга олган ҳолда, Фонд вакиллари билан ўзаро музокаралар вақтида бошқа тиллардаги матнини Ўзбекистон ҳудудида қўллаш ҳам муҳокама қилинади.



Ўзбекистон бундай ўзгаришга тайёirmi? Тайёргарлик баҳоланганми? Агар баҳоланган бўлса қандай даражаларда?

Қонунчилик доирасида МҲХСга ўтиш учун шароитлар яратилган.

МҲХСга ўтиш бизнес ҳамжамиятининг замонавий талабларига мувофиқ юзага келган.

МҲХСга ўтиш бўйича тайёргарлик кўриш йил давомида таъминлади. Шундай қилиб 2020 йил ўтиш даври ҳисобланиб, бунда корхоналар учун МҲХСни қўллашга пухта тайёргарлик даври ҳисобланиб, унга мувофиқ улар томонидан солиқ оқибатларини баҳоланиши, ҳисоб сиёсатини тайёрланиши, шунингдек молиявий ҳисоботни МҲХС талаблари асосида шакллантиришга тайёрлигини баҳоланиши лозим.

МҲХСга куйидаги йўллар асосида ўтиш кўзда тутилган:

Ихтиёри равишда МҲХСга ўтиш;

Мажбурий тартибда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган айрим турдаги юридик шахслар (акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар) 2021 йил 1 январдан МҲХС жорий этадилар